



## XALQ DEPUTATLARI FARG'ONA VILOYATI DANG'ARA TUMAN KENGASHI QARORI

2022 - yil 15 - aprel

VI-51-63-11-155-K/22

Dang'ara tuman hokimligi

### **Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш ва “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан мазкур тадбирларга маблағлар ажратиш түғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорига асосан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш ва “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан мазкур тадбирларга маблағлар ажратиш мақсадида Халқ депутатлари Данғара туман Кенгashi,

#### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

##### **1. Қуйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарори асосида жорий йилнинг 1-февралидан 2-апрелига қадар ўтказилган уч босқичдан иборат жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш жараёни натижалари бўйича туман ҳокимлиги молия бўлими мудири К.Латиповнинг ахбороти;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 апрелдаги “Туман ва шаҳар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш жараёнларида фуқароларнинг иштирокини янада қўллаб-қуватлаш түғрисида”ги ПҚ-197-сонли қарорига асосан Данғара туманига ҳар бири 2 минг тадан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб бўлмаган 5 та таклифларни молиялаштириш учун 1 898 млн.сўм қўшимча маблағ ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**2. Ишчи гуруҳ хulosаларига асосан, Халқ депутатлари Данғара туман Кенгашининг 2022 йил 7 феврал кунги VI-47-26-11-155-K/22 сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 апрелдаги “Туман ва шаҳар бюджетлари**

маблағларини жамоатчилик фикри асосида шаклланирилган тадбирларга йўналтириш жараёнларида фуқароларнинг иштирокини янада қўллаб-қуватлаш тўғрисида”ги ПҚ-197-сонли қароридан келиб чиқиб, “ЭНГ КҮП” овоз олган ҳамда “Очиқ бюджет” ахорот порталида автоматик тарзда ғолиб сифатида танлаб олинган таклифлар “ғолиб” деб топилсин.

Ушбу таклифларни молиялаштириш бўйича “Манзиллий рўйхат” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан ҳамда ижро учун қабул қилинсин.

Бунда,

- Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича тузилган шартномага ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмаслик;

-Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган шаҳар бюджети маблағлари шаҳар ҳокимлиги қошида очилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” шахсий ғазна ҳисобварағида жамланган маблағларни бошқа мақсадларга сарфланиши тақиқланиши белгилаб қўйилсин.

### 3. Тасдиқланган Манзиллий рўйхат асосида:

-Туман ҳокимлиги Молия бўлими (К.Латипов) танлаб олинган тадбирларни молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида, буюртмачи ташкилотларига тегишли маблағ манбааси бўйича ШХР (4017) “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маҳсус ҳисоб рақамлари очилишини;

-Туман ҳокимлиги ҳисобхонаси (Ш.Турсунов) Жамғарма маблағлари ҳисобидан тегишли буюртмачи ташкилотларга маблағлар йўналтирилишини;

-Буюртмачи ташкилотлар ажратилган маблағларни лойиҳа-смета хужжатлари асосида белгиланган тартибда мақсадли ишлатилиши ва амалга оширилган ишлар бўйича Ҳалқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ишчи гурухга маълумот киритиб борилишини таъминласин.

4. Туман ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари-матбуот котиби (У.Усмонов) ва туман молия бўлими (К.Латипов) билан биргаликда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган ва “ғолиб” деб топилган тадбирларнинг молиялаштириши ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бўйича маълумотларни “Очиқ бюджет” порталига жойлаштирилиши ва кенг жамоатчиликка мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

5. Туман бюджетларининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағларининг белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланилиши ҳамда маблағларнинг ажратилиши учун тақдим этиладиган барча хужжатларнинг ҳаққонийлигига Ишчи комиссия аъзолари шахсан жавобгарлиги эслатиб ўтилсин.

6. Мазкур қарор ижросини таъминлаш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Абдуллаев)га ҳамда назорат қилиш ҳалқ депутатлари туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” доимий комиссияси (У.Турдиқулов) зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси



Ш.Тожихакимов

Xalq deputatlari Dang'ara tuman Kengashining  
2022 yil 15 apreldagi  
VI-51-63-11-155-K/22-son qaroriga  
1-ilova

**Дангарга туман бўйича 2022 йил "Ташаббусли бюджет" жараёнининг 1-босқичи натижаларига асосан  
жамоатчлик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш бўйича  
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ**

№	Фолиб таклиф маълумотлари			Амалга оширишнинг аниқланган киймати	Хақиқатда жами ажратилган маблағ	Шундан			Буюртмачи этиб белгиланган ташкилот
	Таклиф ID рақами	Қисқача мазмуни	Тўплаган овозлари сони			Фуқаролар ташаббуси жамгармаси	Махаллий бюджетнинг қўшимча манбаалари хисобидан	Бюджет параметри доирасида	
		Дангарга тумани жами		6 656 000	6 656 000	6 656 000	0	0	
1	1500400050	Қияли-кўргонча м.ф.й. кўчалари электр симларини ёпиқ кабелга алмаштириш ва ТП ўрнатиш	6473	580 000	580 000	580 000			Туман ободонлаштириш бошкармаси
2	1500400017	ЯШИК МФЙ ДОСТОН КУЧАСИ ИЧКИ ЙУЛЛАРНИ АСФАЛТЛАШ	5959	600 000	600 000	600 000			Туман ободонлаштириш бошкармаси
3	1500400042	Яшик мфй Бирдамлик кучаси ички йулларни асфалтлаш	5121	600 000	600 000	600 000			Туман ободонлаштириш бошкармаси
4	1500400203	Яшик МФЙ Нурафшон қишлоғига 1 та ТП 86 та сим ёгоч ва 4.3 км электр тармоги тортиш	4076	408 000	408 000	408 000			Туман ободонлаштириш бошкармаси
5	1500400201	18-мактаб биносини жорий тамирлай	3825	450 000	450 000	450 000			Халк таълими булими
6	1500400209	собик Абдусамад КВПни №6110 Президент карори буйича кайта тиклаш ва жорий таъмирлаш	3736	380 000	380 000	380 000			Туман Тиббиёт бирлашмаси
7	1500400169	Увайсий МФЙ да жойлашган Дангарга туман марказий истироҳат богини жорий тамирлаш	3463	300 000	300 000	300 000			Туман ободонлаштириш бошкармаси
8	1500400162	Мангит МФЙ Мангит кишлоғининг асосий кириш йулини асфалтлаштириш	3128	800 000	800 000	800 000			Туман ободонлаштириш бошкармаси

9	1500400053	Navbahor mfy Xilol va Ilg'or ko'chalarini 1600 metr qismini shag'allab asfalt qilish	2959	640 000	640 000	640 000			Туман ободонлаштириш бошқармаси
10	1500400005	Галаба МФЙ Кирклар кишлоги Хикмат кучасидаги яроксиз холатдаги ТПни урнига янги ТП урнатиш	2863	111 000	111 000	111 000			Туман ободонлаштириш бошқармаси
11	1500400126	Кора курпа МФЙ Кашкарлик кучасига 500 йул кисмини асфалт килиш	2637	200 000	200 000	200 000			Туман ободонлаштириш бошқармаси
12	1500400103	Chodaklik MFY Chodaklik ko'chasini 1.5 km masofada Kanalizatsiya tarmog'iga ulash va 2 km eski suv quvurlarini yangisiga almashtirish Tabassum ko'chasiga 1.5 km suv tarmog'ini tortish.	2289	560 000	560 000	560 000			Туман ободонлаштириш бошқармаси
13	1500400032	Капасарой МФЙ Хислат ва Бодомзор кучаларига 250 КВт.лик 2 та янги трансформатор ўрнатиш	2273	205 000	205 000	205 000			Туман ободонлаштириш бошқармаси
14	1500400057	G'alaba MFY Musabek qishlog'i va Targ'ova MFY Targ'ova qishlog'idan o'tuvchi Nayman soyga piyodalar o'tishi uchun ko'priq o'rnatish	2050	822 000	822 000	822 000			Туман ободонлаштириш бошқармаси